Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 5 июль, № 130 (5804) Жума

Маҳаллийлаштириш дастури:

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ





*Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришда халқаро андозаларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Жойларда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида тайёрланаётган мураккаб шаклдаги ускуна ва анжомлар тури муттасил кўпайиб бормоқда. Президентимизнинг “2010 — 2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва келгусида янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу соҳадаги истиқболли лойиҳалар ижросига кенг йўл очмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Хусусан, автомобилсозлик саноатида ҳам бундай имкониятлардан самарали фойдаланилаётгани ўзимизда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилишига ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан ижобий таъсир кўрсатмоқда. Олтинкўл туманидаги “Олтинкўл пласт” хусусий корхонаси ана шу жараёнда фаол қатнашаётган бизнес субъектларидан бири. Ҳозир корхонанинг сифатли маҳсулотлари асакалик автомобилсозларга мунтазам етказиб берилаётир.

— 2007 йилда бор-йўғи тўрт киши билан иш бошлагандик, — дейди корхона раҳбари Азамат Икромов. — Ўтган даврда бозор талабларини чуқур ўрганиб, банкдан 80 миллион сўмлик кредит олдик. Шунинг ҳисобига цехларимиз замонавий дастгоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозланди. Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулотларимиз тури янада кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

## СЕМИНАР

*Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалла институтининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда етакчи кучга айланиб бораётир.*

### Ўзаро ҳамкорлик истиқболлари

Қолаверса, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ҳам маҳаллаларнинг хизмати ва ҳиссаси катта.

Марғилон шаҳрида маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат идоралари ҳамкорлигини кучайтириш масаласига бағишланган семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Семинарда “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси, ёшларни 12 йиллик узлуксиз мажбурий таълимга тўлиқ қамраб олиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, барвақт турмушга узатиш ва эрта туғуруқнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифалар хусусида фикр юритилиб, бу борада жамоатчилик ва давлат идоралари ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир, шунингдек, Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг аввалги йиғилишлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун талаблари асосида ташкил этилди.*

Хусусан, сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи қонун лойиҳаларининг батафсил муҳокамалари якунларига кўра, масъул қўмитага Қонунчилик палатаси мажлисидаги муҳокама доирасида билдирилган нуқтаи назарлари ва таклифларини тақдим этди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар биринчи ўқишда бир қатор лойиҳаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ишлаб чиқилган фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси диққат-эътиборни жиддий ўзига тортди. Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакат аграр соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга, фермер хўжаликлари маблағларини устав фондига жалб этиш орқали уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, етиштирилаётган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашда фермерларнинг мажбуриятларини янада аниқроқ белгилашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг туғуруқхона бўлимида яна бир янги инсоннинг дунёга келишини кузатар эканман, буюк бобомиз Абу Али ибн Синонинг “Онасининг вужудидаёқ гўдакни қил эҳтиёт, унга бирор офат етмай, туғилсин у барҳаёт” деган сатрлари хаёлга келди.*

Ота бўлган йигит ҳаяжон ва сабрсизлик билан икки соат олдин фарзандини дунёга келтирган рафиқасининг деразадан қарашини кутиб турибди. Мана, интиқиб кутилган дақиқалар ҳам келди. Деразадан қўлида чақалоғини кўтарган аёл кўринди. Бахтиёр ота қувончдан ҳайқириб юборди.

Бу туйғу менинг қалбимни ҳам чулғаб олди ва ёш отанинг қувончига шерик бўлиш, уни табриклаш учун ёнига бордим. “Фарзанд — ҳаёт гули, — деди у. — Бу сўзларни болалигимда ҳам эшитган эдим. Бироқ бу ҳикматнинг маъносини киши кейинчалик инсоннинг дунёга келиши — ҳақиқий мўъжиза эканини англаб етганидан сўнггина тушунар экан”.

Суҳбатдошим Муроджон Собиров турмуш қурганига уч йил бўлганини айтди. Фарзандининг туғилишини эр-хотин интизорлик билан кутгани, ота-оналик бахтига муяссар бўлганини қувониб гапирди. Унинг айтишича, бунгача улар шифокорлар кўриги ва барча зарур муолажалардан ўтган. Малакали мутахассислар ёрдами, шунингдек, ҳомиладор, туққан аёллар ва чақалоқларга тиббий хизмат кўрсатадиган муассасаларда қўлланилаётган янги технологиялар туфайли турмуш ўртоғи ҳеч бир асоратсиз фарзанд кўрган.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг обод ва файзли ҳудудини кўздан кечирдик. Унинг энг илғор тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бир нечта бўлимларида бўлиб, Муроджоннинг сўзлари тўғри эканига ишонч ҳосил қилдик. Мазкур тиббиёт муассасасининг юқори малакали мутахассислари жаҳон стандартлари даражасида ташхис қўйиш ва даволаш хизматларини кўрсатмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# Юк ташиш ҳажми ошмоқда

**Шу йилнинг дастлабки уч ойида “Қамчиқ” довони орқали юк ташиш ҳажми 2012 йилнинг ушбу давридагига нисбатан**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2,1**

**баробар ошди.**

“Ангрен” логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамиятининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар изчил амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

Янгиликлар, воқеалар,

# хабарлар

*Чуст шаҳридаги “Савоб” кўп тармоқли агрофирмасида ишлаб чиқариш тармоқлари яна биттага кўпайди. Бу ерда ишга туширилган янги технология ёрдамида қоғоз чиқиндилари қайта ишланиб, картон маҳсулотлари тайёрланмоқда.*

## Қадоқлашда қўлланилади

— Халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотларни қадоқлаш учун зарур бўлган картон қутиларга ҳамиша эҳтиёж катта, — дейди корхона таъсисчиси Валихон Ҳомидов. — Шундан келиб чиқиб, 200 миллион сўмлик сармоя эвазига махсус дастгоҳлар келтирдик. Ҳозир йиллик қуввати 900 тоннани ташкил этадиган бу технология жадаллик билан ўзлаштирилмоқда. Уларни бошқаришга маҳаллий ёшлардан 10 нафарини жалб этдик.

Агрофирма жамоаси қисқа вақт ичида ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 25 тоннадан оширди. Буюртмачиларга йил охиригача 300 тонна картон етказиб бериш кўзда тутилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Мармардан қурилиш маҳсулотлари

*Маълумки, Китоб туманида кўплаб табиий конлар аниқланган бўлиб, улар негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.*

Яқинда эса тумандаги “Кўҳинур гранит” корхонасида мармар конларидан олинадиган хом ашёни қайта ишлаб, ундан ўнга яқин қурилиш маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун 57 миллион сўм маблағ эвазига хориждан замонавий технологиялар келтирилди. Ҳозир “Кўҳинур гранит”нинг йўлак қопламалари, зина устунлари ҳамда мармар пигментлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Тежамкорлик баракаси

*Вобкент тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2013 — 2014 йиллар давомида ҳудудда саноат йўналишида саккизта бизнес лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган.*

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур лойиҳалардан учтаси ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, “Кумушкент сарвари” масъулияти чекланган жамиятида нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий линия ўрнатилди. Бунинг учун 72,5 миллион сўм сарфланди. Лойиҳани амалга оширишда банк томонидан ажратилган 50 миллион сўм миқдоридаги маблағ қўл келди. Энергияни кам сарфлайдиган, ишлаш учун қулай бўлган замонавий печларда эндиликда йилига 600 миллион сўмликдан зиёд нон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Қишлоқнинг обод манзиллари

*Қуйи Чирчиқ туманидаги “Сурум” ва “Дўстлик” маҳаллалари ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 65 та тураржой ўз эгаларига топширилган эди.*

Айни пайтда мазкур янги массивларда аҳоли учун бир қатор қулайликлар туғдирувчи лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Хусусан, бу ерда янги қишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсата бошлади. У бюджет маблағи ҳисобидан “Саноат фуқаро қурувчи” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қуриб битказилди. Шунингдек, замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳам иш бошлади. Ҳадемай, бу ерда маҳаллий тадбиркорлар янги маҳалла гузари, бозор ҳамда нон маҳсулотлари тайёрловчи цех фаолиятини йўлга қўядилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Сармоя фойдаси

*Кегейли туманилик тадбиркор Гулзира Абатова молия муассасасининг 37 миллион сўмлик сармоясини олиб, йилига 1 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган технологик линияни ишга туширди.*

— Шу кунгача туманимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойлар учун 200 минг донадан зиёд пишиқ ғишт етказиб бердик, — дейди лойиҳа ташаббускори. — Ҳозир табиий газ асосида ишлайдиган 14 камерали, яъни 60 минг дона ғишт пишириладиган хумдондан фойдаланаяпмиз. Шу билан бирга, кўмирга мослаштирилган, бир йўла 150 минг дона ғишт тайёрланадиган мослама қурилиши ҳам олиб борилаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасида режали текширувлар ўтказиш, шу жумладан, банк ва молия тузилмаларининг фаолиятини тафтиш қилиш кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши назарда тутилади. Киритилаётган тузатишлар хўжалик субъектлари фаолиятининг давлат назорати билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимлилигини таъминлайди.

“Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни (янги таҳрири) тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Қонун лойиҳасида судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини янада таъминлашнинг Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш кўзда тутилган.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишда ушбу қонун лойиҳаси давлат бошқарувининг тегишли органлари томонидан суғурта қилдирувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта қилиш мажбуриятларини бажариши устидан самарали назоратни таъминлаши қайд этилди. Депутатлар корпусининг фикрича, киритиладиган тузатишлар давлат назорати органлари томонидан суғурта қилдирувчилардан тегишли маълумотлар олиш имкониятини назарда тутади. Бу суғурта қилдирувчиларга суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, суғурталанган мол-мулк ва суғурта суммаси тўғрисидаги маълумотларни, яъни суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта қилдириш мажбуриятлари бажарилиши ҳолатини аниқлаш учун зарур ахборотни давлат бошқарувининг тегишли органларига топшириш имконини беради.

Батафсил муҳокамадан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси юқорида таъкидланган қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллади ва депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш масъул қўмита зиммасига топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарини билдирдилар.

ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда фермерлик хўжалигини янада такомиллаштириш партия сайловолди дастурининг устуворликларидан келиб чиққан ҳолда, унинг олдига қўйилган вазифалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ЎзЛиДеП фермерлик фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва фермерликни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳасига алоҳида диққат-эътибор қаратди, чунки у партия сайловчиларининг бевосита манфаатларига тегишлидир.

Қонунчилик палатаси мажлисида ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари партия томонидан ушбу қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватланиши кўп тармоқли фермерлик хўжаликларини ривожлантириш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериши билан изоҳланишини алоҳида қайд этди. Хусусан, ЎзЛиДеП депутатларининг қайд этишича, жойларда фермерлик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган кўп сонли учрашувлар таҳлилида фермер хўжаликларининг устав фондини шакллантиришни кенгайтиришга имкон бериш муҳимлиги аниқланди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳада “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга фермер хўжаликлари томонидан устав фондига устав фондини шакллантириш бўйича ўз мажбуриятларини, ер участкаси бериш бўйича танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағларини киритиши шартлиги тўғрисидаги янги нормани киритиш таклиф этилади.

ЎзЛиДеП фракциясининг фикрича, бу фермер хўжаликларининг молиявий активларини, қўшимча асосий маблағларни кўпайтириш, гаров капиталини ошириш йўли билан фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, кредит ресурсларидан фойдаланишда ишлатилмаётган захираларни қўллашга, хўжаликларнинг капиталлари учун маблағлар йўналтиришга ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади.

ЎзХДП фракцияси аъзолари эътироф этадики, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш имконини беради. Буларнинг барчаси, ЎзХДП фикрича, қишлоқларда яшовчи ёшларни иш билан таъминлашга, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи фуқароларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади, бу эса партиянинг асосий электорати манфаатларига — инсонларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга тўлиқ мос келади.

Қонун лойиҳасида пахта териш бўйича мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш назарда тутилиши ҳам мазкур партия фракцияси томонидан алоҳида қайд этилди, бу эса мавсумий ишчилар даромадларининг даражаси ошишига олиб келади.

Ушбу партия фракцияси аъзоларининг фикрича, хизмат кўрсатувчи, тайёрловчи ҳамда қайта ишловчи корхоналар ва ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро муносабатларида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Деҳқон хўжаликларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам мазкур вазирлик томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда. ЎзХДП фикрича, фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг кенгайтирилиши уларнинг молиявий барқарорлиги ва фаолиятининг самарадорлиги ошишига кўмаклашади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоларининг қайд этишича, ушбу лойиҳа ҳуқуқий нормаларни мамлакат аграр соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардаги жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда такомиллаштириш имконини беради. Бунда партия ўз нуқтаи назарини қонун лойиҳасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни такомиллаштириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш йўли билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришни норматив жиҳатдан мустаҳкамлайдиган қоидаларга қаратди.

Қонунчилик палатасидаги ушбу партия вакилларининг таъкидлашича, амалдаги қонун ҳужжатига фермер хўжаликларига кўп тармоқли фаолият билан шуғулланиш имконини берадиган ўзгартишлар киритилмоқда. Бундай ёндашув мамлакатнинг фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, қишлоқ жойларида талабга эга ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга кўмаклашади.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича қизғин баҳс-мунозараларда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Партия давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирликлар ва идоралар ишининг сифатини сўзсиз ошириш, буйруқбозлик кўринишларини йўқ қилиш, қабул қилинадиган қарорларни пухта ва ҳар томонлама ишлаб чиқишни ёқлаб чиқади, яъни бошқарув усуллари ҳозирги замон вазифалари ва талабларига мос бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шу муносабат билан партиянинг фикрича, киритиладиган ўзгартишлар республика ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фермер хўжаликларини давлат томонидан ва бошқача тарзда қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирларини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон “Адолат” СДП фермерлар кенгашлари фермер хўжаликлари манфаатлари йўлида даъволар билдирганда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилиши назарда тутилган қўшимчанинг Солиқ кодексига киритилишига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ушбу фракция аъзоларининг қайд этишича, мазкур ҳуқуқий норманинг киритилиши суднинг демократиклиги, холислиги, очиқлигини таъминлаш, фермер хўжаликларини суд йўли билан ҳимоя қилиш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ўзининг билдирган нуқтаи назарида қонун ҳужжатига томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этган юридик шахсларни, хусусан, томчилатиб суғориш татбиқ этилган ер участкасини беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартишларни киритиш масалаларига тўхталди. Экоҳаракатдан сайланган депутатлар ушбу норма фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдан, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантиришига ишончи комил. Депутатлар Ўзбекистон Экологик ҳаракати табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини қабул қилиш ҳамда татбиқ этиш тарафдори бўлиб келганлиги ва бундан буён ҳам шундай бўлишини таъкидладилар.

Депутатлар бошқа қонун лойиҳалари бўйича ҳам ўз фикрларини билдириб, мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, банк-молия тизимини, суғурта фаолиятини ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштиришда уларнинг муҳимлигини қайд этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## Маҳаллийлаштириш дастури:

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда жамоада меҳнат қилаётган 20 нафарга яқин ишчи-мутахассисларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар ҳисобига уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораяпти.

— Бу ерда коллежда олган билимларим асқотмоқда, — дейди Ғуломжон Маҳмудов.— Корхонага ишга келгач, устозлардан илғор технологияларни бошқариш сир-асрорларини пухта ўргандим. Ҳозир тенгдошларим билан “Нексия”, “Матиз”, “Спарк” автомобилларининг эшиклари учун ички қопламалар тайёрлаяпмиз. Яқиндан бошлаб “Кобалт” учун ҳам шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришдик. Ҳолбуки, авваллари бу каби бутловчи қисмлар валюта эвазига хориждан келтирилар эди.

Замонавий технологияларга таянган жамоа маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратаётгани боис ҳамкорлардан келиб тушаётган буюртмалар тобора кўпаймоқда. Масалан, 2012 йилнинг биринчи ярмида корхонада 210,9 миллион сўмлик 89 мингта жиҳоз ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб, бу кўрсаткич 396,7 миллион сўмликни ташкил этди. Айни пайтда ISO/TS 16949 : 2008 халқаро сифат сертификатини қўлга киритган “Олтинкўл пласт” маҳсулотлари миллий автомобилларимизга кўрк бағишлаяпти.

Умуман, Олтинкўл туманида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўз фаолиятини ривожлантириб бораётган бундай ишлаб чиқариш субъектлари талайгина. Трикотаж маҳсулотлари тайёрловчи “Қрав текс”, “Кезар текс”, “Фикентекс Андижон”, қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи “Кезар”, полиэтилен қувурлари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Полиэтилен сифатсавдо” корхоналари шулар жумласидан. Вилоятда янги саноат тармоқларини ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Чунончи, ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 2845 нафар фуқаро ишли бўлди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча юқори кўрсаткичдир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Саноатчилар учун пойабзаллар

*Учқудуқ туманидаги “Ayoka text” масъулияти чекланган жамиятида пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## ИНТИЛИШ

Бу эзгу мақсад рўёби учун 220 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланиб, хориждан илғор ускуналар харид қилинди. Натижада 40 га яқин иш ўринлари яратилди.

— Хитой технологияси асосида йилига 100 минг жуфт пойабзал тайёрлаймиз, — дейди корхона раҳбари Дилшод Мусабеков. — Маҳаллий хом ашёдан фойдаланаётганимиз туфайли маҳсулотларимиз таннархи анча арзонлашмоқда. Ҳозир корхонамиз ёрлиғи туширилган оёқ кийимлари ҳудуддаги саноат тармоқлари ходимларига буюртма асосида етказиб берилмоқда. Келгусида маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириб, уларни экспортга чиқаришни ҳам режалаштираяпмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА

***Хонқа туманилик фермер Умид Худойберганов замонавий дераза ва эшик ромлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.***

# Бизнес лойиҳалар муваффақияти

Ушбу лойиҳа рўёби учун 100 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Пировардида йилига 2 минг квадрат метрдан ортиқ дераза ва эшик ромлари тайёрлаш имконияти юзага келди.

— Фермер хўжалигимиз пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган, — дейди фермер. — Фаолиятимизни тобора кенгайтираяпмиз. Бундан хўжалигимиз ҳам, қишлоқ одамлари ҳам наф кўраяпти. Қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳар бир фермернинг вазифасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, туманда бундай лойиҳалар шарофати билан жорий йилнинг ўтган тўрт ойида 1815 та иш ўрни яратилди.

# Иш билганга имконият

***Урганч туманининг Чоткўпир қишлоғида иш билан банд аҳоли сони янада кўпайди.***

Гап шундаки, бу ерда кийим-кечак, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Арслон-Миршаб-Полвон” хусусий корхонаси ишга туширилиши билан 10 дан зиёд ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлди. Мазкур истиқболли лойиҳа тижорат банкининг 150 миллион сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди.

Корхона жамоаси йил охиригача аҳолига 30 минг дона кийим-кечак ҳамда 300 тонна нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришни режалаштирмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

*Ер юзининг сайқали, дея эътироф этилган Самарқанд азалдан маданият, илм-фан ўчоқларидан бири сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. Бу қадимий ҳамда навқирон замин ўзининг ақл-заковати, маънавий жасорати билан жаҳон маданияти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган неча-неча буюк алломалар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилгани тарихдан яхши маълум.*

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

## бандлигини таъминлаш жамиятимиз равнақи ва турмуш фаровонлигига хизмат қилади

Мамлакатимиздаги кўплаб олий ўқув юртлари қаторида Самарқанд давлат университети ҳам бугун катта илмий салоҳиятга эга олимлар, зиёлилар ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлашдек хайрли вазифага муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Университет профессор-ўқитувчилари кўплаб халқаро илмий анжуманлар, симпозиумларнинг нафақат иштирокчиси, керак бўлса, фаол ташаббускори ҳамдир. Дунёнинг 20 дан зиёд нуфузли университетлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар, илмий салоҳияти юқори кадрлар тайёрлашда ижобий самара бермоқда.



Мустақиллик туфайли мамлакатимиз таълим тизимида беқиёс юксалиш ва янгиланишлар рўй бермоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши соҳада қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг асосий омили бўлаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълимда сифат ва самарадорликни оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида университетимизда бир қанча хайрли ишларга қўл урилди. Хусусан, тасарруфимиздаги 6 та академик лицей ва вилоятдаги 80 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари қайта кўриб чиқилиб, қарор талабларига мослаштирилди. Шу асосда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, шартномаларнинг бажарилиши ҳамда ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари билан боғлиқ вазифалар факультетлар ва бўлимларнинг кафедра масъулларига юклатилди. Бу борадаги ишларни кучайтириш мақсадида университетимизнинг ўзида вилоятдаги 172 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбарлари ҳамда педагогик жамоаси вакилларини жалб этган ҳолда, “Таълимда сифат ва самарадорликни ошириш муаммолари” мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.

Аввало, олий таълим муассасасининг бакалавриат йўналишини тамомлаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида фаолият юритаётган кадрлардан илмий тадқиқот олиб боришга лаёқатли ва магистратурага кириб ўқиш иқтидорига эга бўлган 97 нафар ёш мутахассис аниқланди. Улар “Устоз — шогирд” тамойили асосида илмий мавзулари бўйича тадқиқот ва изланишларини охирига етказиш учун университетнинг етакчи устоз-педагогларига бириктирилди. Ҳозир улар ўзлари танлаган илмий мавзулар устида тадқиқот ишларини давом эттиришмоқда.

Бундан ташқари, университетга бириктирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёш ўқитувчиларнинг дарс бериш салоҳиятини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларимиз томонидан мунтазам равишда очиқ дарслар, семинар тренинглар, “мастер-класс”лар, маҳорат сабоқлари уюштирилаётир. Жорий йилда 92 та ана шундай машғулотлар ташкил этилди. Бу машғулотлар ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ошишига хизмат қилаяпти, албатта.

Олий таълим муассасаларининг ўрта махсус таълим тизими билан ҳамкорлик алоқасининг муҳим жиҳати — уларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш масаласидир. Университет жамоаси бу борада ҳам самарали ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, профессор-ўқитувчиларимиз томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 50 дан ортиқ дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар яратилди. Шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларимиз томонидан биология, физика, кимё фанлари бўйича яратилган электрон мультимедиали дарсликлар вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тақдим этилиб, ўқув жараёнида қўлланилмоқда. Коллеж ўқитувчилари билан ҳамкорликда умумтаълим фанларидан 11, умумкасбий таълим фанларидан 17 та, махсус фанлардан 19 та маъруза матнлари ҳамда лабораториялар, амалий машғулотлар учун 38 та номдаги услубий тавсиялар ҳам тайёрланди. Бу дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар айни пайтда таълим тизимига кенг жорий этилган.

Университетимизда барча таълим муассасалари ўқувчиларининг биология, кимё, физика, математика, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича “кичик олимпиада”си йўлга қўйилган. Махсус “Фан клублари” ташкил этилиб, уларда университетнинг 30 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилари машғулот олиб боришмоқда. Жорий йилда университет қошидаги 1-сонли академик лицейининг физика фани ўқитувчилари ташаббуси билан “Физика мактаби” очилиб, унда 40 дан ортиқ ўқувчилар ўз билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар, интерфаол таълим услублари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларини чуқур татбиқ этиш учун хорижий тиллар кафедраси ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари маркази профессор-ўқитувчиларидан иборат алоҳида гуруҳлар ишлаб турибди. Улар касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг чет тили ва ахборот-коммуникация технологияларига оид билим ва малакаларини оширишга кўмаклашмоқда.

Айниқса, битирувчиларни корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш, жойлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун тақсимот комиссияси тузилган бўлиб, битирувчиларимиз эҳтиёжга мувофиқ вилоятдаги ва қўшни вилоятлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига, умумий ўрта таълим мактабларига ҳамда корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилади. Шуниси қувонарлики, олий ўқув юртимизда тайёрланаётган кадрларга талаб ва эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бораяпти. Масалан, жорий ўқув йилида университетимизнинг бакалавриат йўналишларини 1668 нафар, магистратура мутахассисликларини 229 нафар талаба битирган бўлса, ҳозиргача республикамизнинг турли ташкилотларидан тушган талабномалар 3000 дан ошиб кетди.

Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиши масаласида ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, жорий ўқув йилида 158 та касб-ҳунар коллежини 102 мутахассислик бўйича 60794 нафар ёшлар битираётган бўлса, уларнинг ҳар бири тўғрисида тўлиқ маълумотлар базаси яратилди. Университетда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишлаши мумкин бўлган вакант штатлар аниқланиб, уларни ўрта бўғин мутахассислар билан тўлдириш чоралари кўрилаётир.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчиларимиз умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш ишларига ҳам кўмаклашмоқдалар. Улар ота-оналар иштирокидаги йиғинларда, ўзаро суҳбатларда мутахассисликларнинг хусусиятлари, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва битирувчиларни кейинчалик ишга жойлаштириш истиқболларини тушунтириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича тарғибот ишларига кенг жалб этилган.

Касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини ошириш ҳамда ўқувчилар давоматини яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи юзасидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ташкил этилаяпти.

Буларнинг барчаси ёшларимизнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини кўтариш, иқтидорли ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлашда профессор-ўқитувчиларимиз салоҳиятидан унумли фойдаланишга қаратилган. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган шарт-шароит, имтиёз ва ғамхўрликлар ҳар биримизни ташаббус кўрсатиб ишлашга ундайверади.

**Б. ИСЛОМОВ, Самарқанд давлат университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўйича проректори.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

**_Финляндиянинг мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи "Nokia" компанияси энг юпқа телефонни омма эътиборига ҳавола этди._**




## "Nokia"дан юпқа телефон

"Nokia Lumia 925" дея номланган ушбу модель корпусининг қалинлиги 8,5 миллиметрга тенг бўлиб, унинг оғирлиги 139 граммни ташкил этади. Бундан ташқари, мазкур мобиль телефоннинг корпуси қаттиқ металлдан тайёрланган рамага эга, бу, ўз навбатида, сигнални юқори сифатда ушлаш вазифасини ҳам бажаради.

Бир ГБ хотира сиғимига эга "Nokia Lumia 925" "Windows Phone 8" операцион тизимида ишлайди. Фотокамераси эса тасвирларни 8,7 мегапиксель тиниқликда тушира олади.

## Тўрт мингинчи меҳмонхона

**_"Hilton Worldwide" компанияси ўз бошқаруви остидаги тўрт мингинчи меҳмонхонани фойдаланишга топширди. "Hilton Shijiazhuang" деб номланган мазкур мажмуа Хитойнинг Хэбей музофотида иш бошлади._**

Маълумотларга қараганда, "Hilton Worldwide" 2007 йилдан бери 1100 та меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйган. Яқин йилларда эса у яна 176 минг хонали 1000 та объектни ишга туширишни режалаштирган.

"Hilton Worldwide"га 1919 йилда Конрад Хилтон томонидан асос солинган бўлиб, айни пайтда ушбу компаниянинг меҳмонхоналари дунёнинг 90 мамлакатида фаолият кўрсатмоқда.

## Сув тошқини талафотлари

**_Хитойнинг жануби-ғарбида жойлашган Синчуань музофотида содир бўлган сув тошқини оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмган, яна тўрт одам бедарак йўқолган._**



Табиий офатдан жабр кўрганлар сони эса 2,55 млн. кишини ташкил этмоқда. Олти ярим мингдан ортиқ тураржой сув остида қолиб кетган. 119 минг гектар майдондаги экинлар нобуд бўлган. Ҳудуддаги 13 та сув омборига ҳам зарар етгани айтилмоқда.

Қўшни Чунцинь муниципал туманида эса 900 минг киши жабр чеккани маълум бўлди. Тошқин 98 млн. АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар етказган.

Табиий офат тинимсиз ёғингарчиликлар туфайли келиб чиққан. Хусусан, охирги кунлар ичида Суйнин шаҳрида ёққан ёмғир миқдори 620 мм.дан ошган. Бу эса 1951 йилдан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Олдинроқ мамлакат марказидаги Хунань музофотида юз берган сув тошқинлари катта талафотларга сабаб бўлган эди.

## Зилзила вулқонни уйғотиб юборди

**_Сешанба куни Индонезиянинг Суматра оролида кучланиши 6,2 баллни ташкил этган зилзила рўй берди._**

Табиий офат оқибатида 25 киши ҳаётдан кўз юмган, юзлаб тураржой бинолари вайрон бўлган. Бундан ташқари, ер силкиниши мамлакатнинг Ачех музофотидаги Бурни-Телонг вулқонини уйғотиб юборган.

Маълумотларга қараганда, бу ерда дастлаб 6,2, кейин эса кучланиши 5,5 ва 5,3 баллга тенг бўлган яна иккита зилзила қайд этилган.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

---

Реклама ўрнида

**БМТ Тараққиёт дастури, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг "Бандликни таъминлаш бўйича ижтимоий шериклик" қўшма лойиҳаси**

# Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг янги босқичи

*Маълумки, дунёда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол ва самарали ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобланади. Бир қатор давлатларда жисмоний имконияти чекланганлар, ёлғизлар ва кексалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда бошқа қатламларига давлат буюртмаси асосида турли ижтимоий хизматлар кўрсатишда "учинчи сектор" ҳиссаси 50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этишининг боиси ҳам шунда. Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги роли ва аҳамияти тобора ортиб бораяпти.*

Республикамизда амалга оширилаётган аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатида давлат ташкилотлари билан бирга фуқаролик жамияти институтлари иштирокини янада кенг таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари томонидан аҳолини кучли ва манзилли қўллаб-қувватлашда етарли тажриба тўпланган.



БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар кўрсатишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини ошириш бўйича турли ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилаяпти.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш мақсадида қўшма грант танловини ўтказиш бўйича қарор қабул қилинганига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган мазкур танловни Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигининг самарали намунаси, дейиш мумкин.

**Ижтимоий хизматлар, бу — аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига жамиятда мустақил ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратиш, шу мақсадда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хизматлардир.**

**Бундай хизматларга мисол сифатида одам савдоси қурбонлари учун реабилитация марказлари, ёлғизлар ҳамда кексалар, ногиронларга қараш бўйича хизматлар ва бошқаларни келтириш мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мазкур танловнинг ҳамкор ташкилотчиларидир.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси қарорига мувофиқ, танлов якунида 19 та лойиҳа умумий 280 млн. сўмдан зиёд маблағ билан қўллаб-қувватланди.

Хусусан, 72,8 фоиздан ортиқ грант маблағлари давлат бюджети ва маҳаллий фондлар ҳисобидан молиялаштирилди. Ушбу лойиҳалар аҳолини манзилли муҳофаза қилишни янада кучайтириш, протез-ортопедик маҳсулотлар, реабилитациянинг техник воситаларини ишлаб чиқариш, ижтимоий, тиббий-ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, хусусан, ёлғиз кексалар уйлари, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланганлар, ўзгалар кўмагига муҳтож шахсларга хизмат кўрсатишни кенгайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ижтимоий хизмат кўрсатиш, жумладан, ишга жойлаштириш масаласига жалб этишга йўналтирилди.

**БМТ Тараққиёт дастурининг 166 мамлакатдаги тажрибаси нодавлат нотижорат ташкилотлари базасида ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича салмоқли салоҳият мавжудлигини тасдиқлайди. Бунда кўпинча нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатда илгари кўрсатилмаган инновацион ижтимоий хизматлар бўйича ташаббус кўрсатади, давлат эса ижтимоий хизматлар буюртмачиси бўлади.**

Ушбу лойиҳалар қаторида бешта инновацион социал хизматни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу хизматлар штатига ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича бир қатор мутахассислардан ташқари ижтимоий ишчи ҳам киритилган. Ушбу ходим мижозларни ижтимоий кузатиб бориш билан шуғулланади. Чунончи, у мижоз муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлаб, унинг қариндошлари, жамоатчилик ва тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда, индивидуал режа ишлаб чиқади ҳамда уни амалга оширади. Ўз навбатида, мижознинг манфаатларини давлат ва нодавлат муассасаларида илгари суради, мижознинг фаровонлигига оид тегишли мониторинг олиб боради.

**Ижтимоий иш — одамларга ўзларининг шахсий ресурслари ва ижтимоий муҳитини яхшилаш орқали турмуш муаммоларини самарали ҳал қилишга профессионал кўмаклашишдир.**

Бухорода "Ойдин нур" нодавлат нотижорат ташкилоти базасида (Бухоро шаҳри, Руҳангарон кўчаси, 31, тел.: (8-365) 223 58 58) оилавий можаролардан жабр чеккан оилалар учун ижтимоий реабилитация хизматини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа психолог, ижтимоий ишчи ва ҳуқуқшуноснинг бепул ёрдамини олиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Қаршидаги "Меҳршафқат ва саломатлик фонди" нодавлат нотижорат ташкилоти базасида эса (Қарши шаҳри, Хонобод шоҳкўчаси, 28, тел.: (+998 91) 470 77 03) ногиронлар, ёлғизлар, кексалар ва бошқаларнинг қарамоғига муҳтожлар учун шахсий ёрдамчилар хизматини ташкил этиш бўйича пилот лойиҳа рўёбга чиқарилаётир.

Самарқандда "Раҳмдиллик" нодавлат нотижорат ташкилоти негизида (Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўч., 35, тел.: (+998 90) 224 84 27) қийин вазиятга тушиб қолган аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича хизмат ташкил этишга оид лойиҳа амалга оширилаяпти. Бу лойиҳа доирасида ишсиз аёллар орасидаги муҳтожларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун шахсий ёрдамчилар тайёрланади. Уларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Самарқанд вилоятидаги Пастдарғом ногиронлар жамияти базасида (Самарқанд вилояти, Жума шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 57, тел.: (+ 998 93) 334 82 36) ногиронлар учун бандлик хизматини ташкил этиш бўйича лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Лойиҳа доирасида 100 нафар ногиронни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, тикиш бўйича ўқув-ишлаб чиқариш курсини ташкил этиш ва уларга психологик, зарурат туғилганда, юридик ёрдам кўрсатиш кўзда тутилаётир.

Тошкентда "Истиқболли авлод" нодавлат нотижорат ташкилоти базасида (Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 25-уй, 31-хонадон, тел. (+998 71) 276 94 44) одам савдосидан жабр кўрган аёлларнинг ижтимоий реабилитацияси, шунингдек, одам савдоси профилактикаси бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида одам савдоси қурбонларини ижтимоий-психологик реабилитация қилиш мақсадида уларни касбга ўқитиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича ижтимоий корхона ташкил этилади.

Барча лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси қарори асосида ижрочи сифатида тасдиқланган нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бажарилмоқда.

Мазкур лойиҳалар рўёби Ўзбекистонда инновацион ижтимоий хизматларни синовдан ўтказиш имконини беради. Бу эса унинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда бундай чора-тадбирларни нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, давлат тузилмалари базасида амалиётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутади.

**Лойиҳа ҳақида. "Бандликни таъминлашда ижтимоий шериклик" лойиҳаси бандлик ва аҳоли, жумладан, ногиронлар ва ҳаётнинг мураккаб вазиятида қолган аёллар ижтимоий муҳофазасини таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган.**

**Лойиҳадаги фаолият бандлик сиёсатини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш ва ногирон одамлар тенглигини, жумладан, бандлик соҳасида илгари суриш, мавжуд ижтимоий хизматларни мустаҳкамлаш, янгиларини ташкил этиш, ижтимоий корхоналар ривожини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгандир.**

Лойиҳа фаолияти ННТ ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**_Хизматлар фаолияти ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳақидаги фикрларингизни Тошкент шаҳри, 100109, Қамарнисо кўчаси, 37._ Тел.: (+ 998 71) 214 87 45 _манзили бўйича кутиб қоламиз_**

---

XALQ BANKI

*Маълумки, ҳар қайси давлатнинг куч-қудрати, унинг иқтисодий тараққиёти бевосита банк-молия тизимининг барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи ортмоқда. Буни нафақат йирик ишлаб чиқарувчилар, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, аҳоли билан ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаётган Давлат-тижорат Халқ банкининг фаолиятида ҳам яққол кўришимиз мумкин.*

**Халқ банки:**

# Мижоз ишончи — барқарор фаолият гарови

Таъкидлаш жоизки, Халқ банки жамоаси Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорларидан келиб чиқиб, аҳоли ҳамда юридик шахсларга намунали хизмат кўрсатиш, алоқаларни мустаҳкамлашга интилаяпти. Зеро, тизимни янада такомиллаштириш, мутахассислар малакасини муттасил ошириб бориш, мижозлар учун қулайлик ва имкониятлар яратиш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини кескин камайтириш учун янги омонат турларини ташкил этиш ҳамда бошқа қатор чора-тадбирлар мажмуаси ушбу молия муассасаси ходимларининг кундалик иш дастурига айланган. Натижада банкнинг жами капитали ўтган йилнинг июнь ойи ҳолатига нисбатан 123,9 фоизга ошиб, 263,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами активлар 134 фоизга ортиб, 2 590,1 миллиард сўмга етказилди.

Шу қисқа даврда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес субъектларини кредитлашга алоҳида эътибор берилиб, жорий йилнинг беш ойида 219,6 миллиард сўм маблағ уларнинг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Натижада республика бўйича 11 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Биргина Қашқадарё вилоятидаги банк филиали томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 22,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, бунинг эвазига жами 500 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.

"Мижоз банк учун эмас — банк мижоз учун" тамойили кундалик шиорига айланган банк филиали ходимлари 14 та туман филиали, 19 та минибанки ва 270 дан ортиқ жамғарма кассаларида ишни замон талаблари даражасида ташкил этишган. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, вилоят аҳолисининг Халқ банкига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда. Буни улар томонидан банк филиалларига қўйилаётган пул маблағларидан ҳам билса бўлади. Яъни фуқаролар томонидан банкка жалб этилган маблағлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,6 миллиард сўмга ёки 131,4 фоизга ўсди.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаласи диққат марказида. Чунки мазкур тизимнинг ривожланиши иқтисодиётимизга катта манфаат келтириш баробарида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ижобий ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар эвазига, асосан, воҳанинг чекка-чекка қишлоқларида ишлаб чиқариш объектлари барпо этилиб, қишлоқ ёшларининг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.

— Халқ банкининг молиявий кўмагида йирик лойиҳамиз амалга ошди, — дейди вилоятдаги "Кафолат йўловчи ташиш" шўъба корхонаси раҳбари Абдураим Тиловов. — Мазкур молия муассасасидан олган 690 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига автоуловлар харид қилдик. Ҳозир аҳоли зич ва йўналиш кам бўлган жойларда транспорт хизмати кўрсатаяпмиз. Бунинг ҳисобига 30 нафарга яқин кишининг бандлигини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Шунингдек, банк ходимлари вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида мунтазам равишда очиқ мулоқотлар ўтказиб келишмоқда. Ўзаро суҳбатлар асносида ёшларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

— Коллежни битиргач, банкдан кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйган йигит ва қизларга ҳавасим келарди, — дейди ёш тадбиркор Юлдуз Ҳаитова. — Мен ҳам паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳамни молиялаштириш учун Халқ банкига мурожаат қилган эдим. Банк жамоаси уни кўриб чиқиб, 7,5 млн. сўм миқдорида кредит ажратди. Бу маблағ эвазига халқимизга арзон товуқ гўшти ва тухум етказиб бериш мақсадида кичкина паррандачилик фермасини ташкил қилдик. Ҳозир ойига 500 кг. дан ортиқ товуқ гўштини истеъмолчиларга етказиб бераяпмиз. Келажакда уни паррандачилик фермасига айлантириш ниятидамиз.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар ҳам натижалари билан эътиборга молик.

— Бизнес-режамни ушбу молия муассасаси ходимларига таклиф қилганимда, улар дарҳол қўллаб-қувватлашди, — дейди "Қовчин" хусусий корхонаси раҳбари Ю. Оромов. — Тез фурсатда ҳужжатларни расмийлаштириб, лойиҳа асосида 200 млн. сўм кредит беришди. Бу сармояга хориждан гўштни қайта ишловчи замонавий технология олиб келиб ўрнатдик. Фаолиятимиз янада кенгайди. 15 кишини ишга олдик.

Банк билан мустаҳкам алоқа ўрнатган тадбиркорлардан яна бири кўп тармоқли ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Муҳаррам Ҳикматовадир. У бизнес фаолиятини ривожлантириш учун банкдан олган 249 млн. сўм маблағ эвазига замонавий бичиш-тикиш ускуналарини харид қилди. Бу хайрли ташаббус натижасида 15 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

— Бугун мамлакатимиз тобора чирой очиб, ривожланиб бормоқда, — дейди ишбилармон аёл. — Бу жараёнда, озгина бўлса-да, ўзимнинг ҳиссам борлигидан чексиз хурсандман. Тўғрисини айтиш керак, тадбиркор аёл сифатида жамиятда ўз ўрнимни топишимда Халқ банкининг молиявий кўмаги катта, деб биламан. Чунки банк ажратган сармоядан мақсадли ва унумли фойдаланиб, ўз корхонамни ташкил этдим. Яқин кунларда эса маҳсулотларимизни экспорт қила бошлаймиз.

Умуман, банкнинг тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлари ҳисобига ўнлаб қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Пировардида 1000 га яқин иш ўринлари яратилди.

Халқ банкининг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли жорий йилнинг 5 ойи давомида вилоятнинг қишлоқ жойларида 100 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, тикувчилик цехлари ҳамда касаначиликни ривожлантириш учун янги замонавий бинолар қурилиб, ишга туширилди. Узоқ қишлоқ жойларда 180 дан зиёд савдо шохобчалари хизмат кўрсата бошлади.

Бундан ташқари, банкнинг Қашқадарё вилояти филиали томонидан истеъмол кредитлари тизимини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, оила фаровонлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Чунки бу кредитлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш, банк активларини диверсификациялаш ва фаолиятини янада барқарорлаштириш билан бир қаторда, савдо тизимини ривожлантириш, нақд пул тушуми ҳамда кредитларнинг қайтарилиши даражаси ортишини таъминлайди. Шу боис банк томонидан кредит ресурсларининг каттагина қисми аҳолини истеъмол кредитлари билан таъминлашга йўналтирилмоқда.

Халқ орасида бўлиш, ҳар бир хонадонга кириб бориш, оилалар фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш ва, албатта, мижозлар ишончини оқлаш Халқ банки фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади. Бинобарин, қўлга киритилган ютуқлар ишнинг тўғри ташкил этилганини яққол ифодалаб турибди.

**Банк матбуот хизмати.**

# ҚИЙМАТИ БЕҚИЁС ОЛТИНЛАР

**Тошкент вилоятидаги Май қўрғончасида қарийб 1 600 йиллик ноёб олтин буюмлари топилди.**



НОЁБ ТОПИЛМАЛАР

Ободончиликка қаратилган ер қазиш ишлари чоғида топилган мазкур 14 та қадимий осориатиқанинг барчаси санъатшунослик текширувидан ўтказилди. Булар — император ва қадимий маъбуд қиёфаси тасвирланган танга, камар тўғаси, тасма банди ва учи, либосга тикиладиган қистиргичлар ва тўғалар, шунингдек, қўлланиш ўрни номаълум буюмнинг тўғнағичли илгак кўринишидаги қисмларидир. Уларнинг аксарияти яхши сақланган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бадиий экспертиза бошқармаси мутахассисларининг таъкидлашларича, ўз таркибига кўра, ана шу топилмалар византиялик таниқли лашкарбоши қабридан олинган, деб тахмин қилишга асос бўла олади. Аслаҳа ва либос безакларининг қисмларидан иборат олтин буюмлар V — VI асрларга тааллуқли.

— Ўзбекистон ҳудуди орқали минтақадаги давлатларни Византия билан боғлаб турувчи кўплаб карвон ва савдо йўллари ўтган, — дейди санъатшунос, тарих фанлари номзоди А. Мусакаев. — Шу билан бир қаторда, жуда қадимийлиги туфайли бу тарихий давр билан боғлиқ буюмлар тадқиқотчилар учун ўта камёб саналади. Май қўрғончасида топилган осориатиқалар, шубҳасиз, антик ва эрта ўрта асрлар давридаги Ўзбекистоннинг Византия билан савдо ва маданий алоқалари тарихига оид янги маълумотлар беради, маҳсулот-пул муомалалари, қадимий Ўрта Осиё ҳудудида турли диний эътиқодларнинг тарқалиши тарихи борасидаги баъзи масалаларга ойдинлик киритишга ёрдамлашади.

Албатта, узоқ ўтмишимиздан ёдгорлик бўлган ушбу буюмлар ҳали бир неча бор экспертлар томонидан тадқиқ этилади, улар топилган жойда эса археологик қазишмалар давом эттирилади. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ олимлар бундай топилмаларга муқаддам нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудида ҳам дуч келинмаганини айтишмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, топилган олтин буюмларнинг баҳоси 2 миллиард 160 миллион сўмни ташкил этади. Табиийки, бу рақамлар ўта нисбий, дея таъкидлашмоқда экспертлар, аслида Май қўрғони топилмаларининг фан учун аҳамияти беқиёсдир.

**Руслан КЕНЖАЕВ.**

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳолбуки, яқиндагина бу ерда аҳвол мутлақо бошқача эди. Онамнинг ўша пайтлари ҳомиладор аёллар қандай шароитларда фарзандини дунёга келтиргани ҳақида айтган гаплари ҳамон эсимда. Уларнинг кўпчилиги шаҳар тиббиёт муассасаларининг йўлакларида навбат кутган. Негаки, шифохоналарда туғиш заллари ва ўринлар етишмасди, тиббий хизмат сифати ҳаминқадар, беморларга эътибор ҳам паст эди.

Қишлоқлардаги аҳвол эса бундан ҳам ачинарли эди. Ҳомиладор аёлларга 70 фоиз ҳолатларда малакали шифокорлар эмас, балки зарур тиббиёт инвентарлари бўлмаган фельдшерлар тиббий ёрдам кўрсатган.

Ўтмишга назар ташлаб, уни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги бугунги аҳвол билан таққослайдиган бўлсак, соҳага қанча меҳнат ҳамда маблағ сарфлангани аён бўлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Соғлом она — соғлом бола” она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш миллий модели Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Бунинг натижасида мамлакатимизда гўдаклар ва оналар ўлими уч баробар қисқарди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан она ва бола саломатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини ошириш, она ва бола муҳофазасини янада яхшилаш, оила институтини мустаҳкамлашга доир самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туғруқхона комплекслари ва болалар тиббиёт муассасаларида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос илғор ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологиялари жорий этилди. Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар соғлом туғилиб вояга етиши, улғайганидан сўнг жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони замонавий талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудида аҳолига малакали хизмат кўрсатадиган соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизимни шакллантиришда муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, илгари хизматлар олий тиббий маълумотга эга бўлмаган ходимлар томонидан кўрсатилган, ортиқча маблағ талаб қиладиган ва самарасиз кўп босқичли бирламчи соғлиқни сақлаш тизими ўрнида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий хизмат ташкил қилинди. Ушбу хизмат қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар оилавий поликлиникалар тармоғини ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлда қабул қилинган “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида туғруқ муассасаларининг фаолият стратегияси белгилаб берилди. Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматида ишлаётган мутахассисларни узлуксиз ўқитиш тизимини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, туғруқ муассасалари моддий-техник базасини, жумладан, инвестициялар ва грантларни жалб этиш ҳисобидан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Масалан, “Саломатлик — 1” ва “Саломатлик — 2” лойиҳалари доирасида Жаҳон банки билан ҳамкорликда уч мингдан зиёд бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш муассасалари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари умумий қиймати 76 миллион доллардан ортиқ замонавий аппаратура, асбоблар ва лаборатория ускуналари билан таъминланди. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) томонидан ҳудудий туғруқхона муассасаларига замонавий тиббиёт ускуналари етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 ноябрдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан туғруқ ва қон қуйиш муассасаларини такомиллаштириш учун 40 миллион доллар йўналтирилди. 2005 — 2010 йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги 220 туғруқ муассасаси реконструкция ва модернизация қилиниб, уларнинг инфратузилмаси такомиллаштирилди.

Амалга оширилаётган “Саломатлик — 3” лойиҳаси шифокорлар ва тиббиёт ҳамшираларининг малака даражасини оширишга қаратилган. Бунинг учун кадрлар малакасини ошириш бўйича янги ўқув дастурлари ва услублар ишлаб чиқилиб, жорий этилаётир. Бу эса шифокорлар амалиётига илғор услубларни самарали татбиқ этиш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларига етказиб берилаётган янги ускуналардан янада самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Замонавий ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологияларининг жорий этилиши, юқори малакали кадрлар ва замонавий ускуналарнинг мавжудлиги беморларни касалхоналарда даволашни 30 фоизга камайтириш, сўнгги уч йилда қишлоқ врачлик пунктларига мурожаатларни 1,6 марта ошириш имконини берди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг бирламчи соғлиқни сақлаш бўғини хизматларига ишончи ортиб бораётганидан далолатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз акушерлик шифохоналарининг ишлаш принциплари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига биноан 2003 йилдан бошлаб ўзгарди. Шу муносабат билан туғруқ муассасаларининг тузилмаси ҳам қайта кўриб чиқилди. Туғруқхона муассасаларида алоҳида туғиш заллари ишга туширилди. Туғруқдан кейин жойлаштириладиган палаталар она ва бола биргаликда ётадиган ҳамда мутахассисларнинг доимий назоратида бўладиган палаталарга айлантирилди. Бундан ташқари, фаолияти асосан аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган 240 дан зиёд замонавий тиббиёт муассасаси ташкил этилди. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг жойлардаги тўрт филиали, Республика перинатал маркази ва унинг ўнта вилоят бўлими, туман ҳамда шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳузуридаги шаҳар туғруқхона комплекслари ва туғруқхона бўлимлари, олий тиббиёт ўқув юртлари таркибидаги бўлимлар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси “Болага меҳрли муносабатда бўладиган муассаса” халқаро ташаббус талабларига мос бўлишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган оналар ва уларнинг фарзандлари парвариши услубларини амалиётга жорий этишни кўзда тутади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимида тиббий-генетик ташхис қўйиш хизмати муҳим ўрин тутади. Истиқлолгача нафақат оддий одамлар, балки шифокорлар ҳам тиббиёт генетикаси мутахассислигининг амалий тиббиётга алоқаси йўқ, деб ҳисоблаган. Ўзбекистонда энг илғор ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари тармоғи ривожланиши билан тиббиёт генетикаси соғлиқни сақлаш тизими мутахассислиги рўйхатига киритилди. Бугунги кунда соғлиғи заиф болалар туғилишининг олдини олишга ёрдам бераётган бундай мутахассислар хизматидан аҳоли кенг фойдаланмоқда. Айни пайтда туғма нуқсони бор болалар туғилишининг 14 фоизга камайиши ҳам ана шундай ишлар самараларидандир.

Соғлиғи заиф аёлларнинг туғишига ёрдам берадиган ривожланган перинатал марказлар тармоғи бу борада алоҳида эътиборга лойиқдир. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳомиладорлик даври оғир кечган аёлларга ёрдам кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олган.

Дунёда умумэътироф этилган, оилавий шифокор, бошқача айтганда, “Умумий амалиёт шифокори” тизимига ўтиш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим ютуқларимиздан биридир. Бундай шифокорлар чекка туманлардаги аҳолига уларнинг уйида зарур тиббий хизматларни кўрсатмоқда. Илгари бунинг учун туман марказига боришга тўғри келарди. Шаҳарларда эса бу каби хизматлардан оилавий поликлиникаларда фойдаланиш мумкин. Буларнинг барчаси касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлашга ёрдам бермоқда.

...Бир неча кундан сўнг Муроджон Собировнинг турмуш ўртоғи ва жажжи фарзанди уйига қайтади. Янги оила аъзоси пайдо бўлгани сабабли уларнинг ширин ташвишлари ҳам бошланади. Бу борада ёш ота-она она ва бола саломатлигини муҳофаза қилаётган тиббиёт ходимларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига ҳар доим ишонади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*Футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати (FIFA U-20 World Cup)нинг чорак финалида баҳсларни давом эттирадиган терма жамоалар номи маълум бўлди.*

# Чорак финалчилар аниқланди

Мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Хусусан, футболчиларимиз турнирнинг нимчорак финал босқичида грециялик тенгдошларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финал йўлланмасини биринчилар қаторида қўлга киритган эдилар.

Ёшларимизнинг навбатдаги босқичдаги рақиблари эса Франция — Туркия учрашувидан сўнг аниқланди. Мезбонларга нисбатан маҳоратлироқ ўйин намойиш қилган франциялик ёшлар ғалаба қозонди.

Қайд этиш жоизки, футболчиларимизнинг нимчорак финалдаги ушбу ғалабаси мамлакатимизда футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ёрқин самараси бўлди.

Қолаверса, бу муваффақият халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Буни Осиё футбол конфедерацияси президенти Салмон бин Иброҳим ал-Халифанинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлаб турибди: “Бу дақиқалар нафақат Ўзбекистон учун, балки бутун Осиё футболи учун фахрлидир. Мен Ўзбекистон аҳлини ушбу ғалаба билан табриклайман. Бу фантастик натижадир. Ўзбекистонлик футболчилар сўнгги вақтларда ўтказилаётган турли ёш тоифаларидаги мусобақаларда етакчилик қилиб келмоқда. Хусусан, ўтган йили ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Эронда ўтказилган Осиё чемпионатидаги ғалаба ҳам ўзбек футболининг қай тарзда ривожланиб бораётганини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига чорак финалда Францияга қарши ўтказиладиган учрашувда ҳам омад тилайман. Ишончим комилки, ўзбекистонлик ёшлар Осиё футболи байроғини юксакларга кўтара оладилар”.

Нимчорак финал босқичининг қолган учрашувлари эса қуйидагича якунланди:

Португалия — Гана 2:3, Хорватия — Чили 0:2, Ироқ — Парагвай 1:0, Колумбия — Жанубий Корея 1:1 (пенальтилар серияси бўйича 7:8), Нигерия — Уругвай 1:2, Испания — Мексика 2:1.

Шундай қилиб, 6 ва 7 июль кунлари чорак финалда тўп сурадиган терма жамоалар номи аниқланди. Дастлаб шанба куни Тошкент вақти билан соат 20:00 да Франция — Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ярим финал йўлланмаси учун майдонга тушадилар. Мазкур ўйин Ризе шаҳридаги “Ризе Шеҳир” стадионида бўлиб ўтади.

Шунингдек, худди шу куни Тошкент вақти билан соат 23:00 да Уругвай — Испания ёшлар терма жамоалари ҳам ўзаро беллашадилар. 7 июль куни Тошкент вақти билан соат 20:00 ҳамда соат 23:00 да эса Ироқ — Жанубий Корея ва Гана — Чили ёшлар терма жамоалари майдонга тушадилар.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# Фермернинг мини стадиони

*Нишон туманидаги “Сайдалиев Муҳриддин” фермер хўжалиги томонидан сунъий қопламали мини стадион барпо этилди.*

ИБРАТ

Бунёдкорлик ишларига тижорат банки ҳамда хўжаликнинг 280 миллион сўм маблағи йўналтирилди.

Айни пайтда лойиҳага мувофиқ, стадион ёнида спортчилар учун ювиниш хоналари, автомобиллар тўхташ жойи ва ювиш шохобчаси, савдо дўкони ҳамда ёзги дам олиш маскани бунёд этилмоқда. Янги хизмат кўрсатиш мажмуаси тўлиқ ишга тушиши билан 20 га яқин кишининг бандлиги таъминланади.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида Қашқадарё вилоятидаги 86 та фермер хўжалиги томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида шу каби 116 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

**М. АҲАДОВ.**

• Эълонлар •


NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютада янги муддатли омонат тури амалга киритилганлигини маълум қилади.

«КОММУНАЛ»

- Сақлаш муддати — 1 йил.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Омонат бўйича ҳисобланадиган фоизлар ҳар чоракда фойдаланилган коммунал хизматларни тўлаш учун йўналтирилади (электр энергияси, газ таъминоти, иссиқлик манбаи, совуқ, иссиқ сув ва бошқалар).

Шунингдек, банк «Шодиёна», «Фаровон», «Сармоя», «Хазина», «Тарона» ва «Шинам» муддатли омонатларига маблағлар қабул қилишни давом эттиради.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

*Хизматлар лицензияланган.* www.nbu.com 1081А/382



«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 16 майдаги 10-1204/11411-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган, умумий ер майдони 839,0 кв.м., умумий қурилиш ости майдони 488,0 кв.м.дан иборат ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 269 965 300 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 7 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Беруний к., 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: № 0039.* 1085R/562



Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудудидаги «Паттакесар» ҚФЙ, Наврўз маҳалласидаги узунлиги 1,2 км. ички хўжалик автомобиль йўлини жорий таъмирлаш.

***Объектнинг бошланғич баҳоси*** — қўшилган қиймат солиғи билан бирга 103 864,5 минг сўм.

***Қурилиш муддати*** — 30 кун.

***Буюртмачи*** — Термиз тумани ободонлаштириш бошқармаси.

***Манзил:*** Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Учқизил қўрғони, ат-Термизий кўчаси, 5-уй.

***Телефон:*** (8-376) 36-32-457.

Молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган мутахассислар ва техникаларга эга бўлиши шарт.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун савдо ташкилотчиси — Термиз тумани ободонлаштириш бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Учқизил қўрғони, ат-Термизий кўчаси, 5-уй. Телефон: (8-376) 36-32-457.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг баҳоси — 60 000 сўм.***

Таклифлар (oферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Учқизил қўрғони, ат-Термизий кўчаси, 5-уй.** 1083R/572


“Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси раҳбарияти савдо фахрийси **Салоҳитдин НАЖМИТДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт бош ҳисобчиси Маъмур Имомовга волидаи муҳтарамаси **Райҳон ая ҚУРБОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5